



## Савол:

Сокол кўйиш суннатми, вожибми ёки фарзми?

## Жавоб:

Сокол эркакларнинг юз ва жаг қисмларида чиккан туклардир. Ислом дини сокол ва мўйлабга нисбатан қандай ишларни қилиш ҳақида бир қатор ҳукмларни олиб келди. Росулulloх саллаллоху алайхи ва саллам дедилар:

**«Мўйлабларни қискартинглар ва соколларни эъфо қилинглар (яъни ўсган ҳолатида кўйинглар) Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.**

**«Мушрикларга ҳилоф қилинглар, мўйлабларни қискартинглар ва соколларни ўз ҳолича кўйинглар» Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.**

**«Ажнабийларга ўхшаманглар, соколларни эъфо қилинглар».** Баззор ривояти.

Бундан бошқа шу маънодаги кўп ривоятлар ворид бўлган. Уларнинг барчаси амрдир.

Оллох таъоло деди: **«У (Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам) нинг амрларидан юз ўғирган қимсалар бошларига фитна ёки аламли азоблар қелишидан эҳтиёт бўлсинлар!»** (Нур:63).

Юқорида зикри ўтган оят ва ҳадислардан сокол кўймоқ фарз ва уни олмоқ ҳаром экани маълум бўлмоқда. Валлоху аълам.